

АЛИМОВ Хўжагелди,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика
кафедраси профессори в.б.,
психология фанлари доктори

**КОНЦЕПЦИЯ: ТИББИЙ
ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ
АМАЛИЁТИДАГИ МУАММОЛАР
ВА ЕЧИМЛАР
(Молик Бадрий асарлари мисолида)**

**КОНЦЕПЦИЯ: ПРОБЛЕМЫ
И РЕШЕНИЯ В ПРАКТИКЕ
МЕДИКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ
СЛУЖБЫ**

**(на примере произведений Малика
Бадри)**

**CONCEPT: PROBLEMS AND
SOLUTIONS IN THE PRACTICE OF
MEDICAL AND PSYCHOLOGICAL
SERVICE
(on the example of the works of Malik
Badri)**

Аннотация: Мазкур мақолада бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган, диний ва тиббий психологик йўналишида амалиётлар олиб бораётган “мутахассислар” га нисбатан “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси”да берилган баҳо ҳамда талаблар тўғрисида маълумотлар берилади. Маълумки, айрим сохта психологлар дин номи билан тиббий хизматни амалга оширмоқдалар ва миждозларга шифо беришнинг ўрнига, уларнинг эътиқодига ақидавий жиҳатдан салбий таъсир кўрмоқдалар. Концепциянинг “илмий исботланмаган медицинани оммавий тарғиб қилмаслик” масалаларга ҳам эътиборини қаратганлиги диққатга сазовордир.

Калит сўзлар: Концепция, виждон эркинлиги, эътиқод, дунёвийлик, диний тиббий психология, гарб таълимотлари, сохта психологлар, медицина, ақида, тиббий хизмат.

Аннотация: В данной статье представлена информация об оценках и требованиях, приведенных в «Концепции обеспечения свободы совести граждан Республики Узбекистан и концепции государственной политики в религиозной сфере» в отношении «специалистов», которые сегодня работают в нашей стране и ведут практику религиозного и медико-психологического направления. Известно, что некоторые лжепсихологи практикуют медицину во имя религии и вместо того, чтобы лечить клиентов, идеологически вредят их вере. Примечательно, что концепция обращает внимание на вопросы о том, чтобы «не пропагандировать публично недоказанную медицину».

Ключевые слова: Концепция, свобода совести, вера, секуляризм, религиозно-медицинская психология, западное учение, псевдопсихологи, медицина, вера, медицинское обслуживание.

Annotation. This article provides information on the assessments and requirements set out in the “Concept for Ensuring Freedom of Conscience of Citizens of the Republic of Uzbekistan and the Concept of State Policy in the Religious Sphere” in relation to “specialists” who are currently working in our country and practicing in the religious and medical-psychological fields. It is known that some pseudo-psychologists practice medicine in the name of religion and instead of treating clients, they mentally harm their faith. It is noteworthy that the concept draws attention to the issues of «not publicly promoting unproven medicine.»

Keywords: Concept, freedom of conscience, faith, secularism, religious-medical psychology, Western teaching, pseudopsychologists, medicine, faith, medical care.

КИРИШ

“Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси” 6-бобининг “Тиббиёт йўналишида” деб номланган 3-параграфи билан “тиббиёт ходимлари томонидан тиббий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда фармацевтика фаолияти жараёнида ўз эътиқодидан келиб чиқиб, беморларларнинг ҳаёти ва соғлиғига, бошқа манфаатларига дахл қиладиган ҳар қандай ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бажаришга, шунингдек бундай хатти-ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) чакиришга йўл қўймаслик

юзасидан норматив-ҳуқуқий ва ташкилий чоратadbирларни амалга ошириш” белгиланди [2]. Бу махсус диний ва психологик маълумотга эга бўлмаган турли туман сохта психологларнинг диний масалаларни аралаштирган ҳолда инсонларни руҳий муолажа қилишдан қайтариш дегани. Мазкур муолажаларнинг турли хил динлар ғояларини аралаштирган ва уларнинг эътиқодига раҳна солган ҳолда олиб борилиши маънавиятимизга таҳдид даражасига чиқиб бормокда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Европадаги айрим қадриятларнинг халқимиз маънавиятимизга кириб келишини назоратга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда психология фанининг ўрни катта. Чунки психология фани бизга Ғарбдан кириб келди ва у психикани ўрганадиган фан сифатида эътироф этилди. Мусулмон Шарқида эса бу фан “илм ун-нафс” деб аталади ва у Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Иймон” китобида таъкидлаганидек, инсоннинг ўзи билан унинг нафси ўртасидаги муомалани ўрганадиган фан сифатида талқин қилинади [4]. Психика (инсоннинг билиш жараёнлари, ҳиссий-эмоционал жараёнлар, иродавий жараёнлар ва ҳ.к.) психология фанининг тадқиқот объекти сифатида инсон маънавияти билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун бугунги кунда ғарб олимлари томонидан инсон психикасини тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган кўплаб назариялар, концепциялар ва ёндашувлар тўғридан тўғри бизнинг менталитетимизга кириб келаяпти. Бу ҳолатни ҳар доим ҳам ижобий деб баҳолаб бўлмайди.

Молик Бадрий асарларининг қиммати ҳам шундаки, мазкур олим Европада таҳсил олган, ғарб психологиясини чуқур билган киши сифатида унда ишлаб чиқилган назарияларни мусулмон Шарқига тўғридан тўғри татбиқ этишда эҳтиёткор бўлишга чақирди. У асарларида ғарбдаги психологик назарияларни мусулмон маънавияти призмасидан ўтказиб, шундан сўнгина ҳаётга татбиқ этишга ундайди [3].

Молик Бобикр Бадрий Муҳаммад 1932 йилда Суданнинг Руфаа шаҳарчасида таваллуд топди. У бакалавр даражасини 1956 йилда умумий фанлар бўйича муваффақиятли ҳолда Байрутдаги Америка университетида қўлга киритди ва 1958 йилда мазкур университетда психология ва таълим бўйича магистрлик даражасига эга бўлди. Олим 1961 йилда Лестер университетида “Диаграммалар асосида концепцияларни шакллантириш” мавзусида докторлик диссертацияси ҳимоясини қилди. 1966 йилда Лондоннинг университет коллежи қошидаги Мидлсек касалхонасининг психиатрия кафедрасида докторлик даражасини эгаллади. 1977 йилга келиб, у Британия психологлар жамиятининг аъзолигига сайланди ва шу ерда дипломга эга бўлган психолог унвонини қўлга киритди. Академик ютуқлари учун у 2003 йилда Судан президенти томонидан Шаҳид Зубайр медали билан мукофотланди [2].

Молик Бадрий бир қанча университетларда декан ва профессор этиб тайинланди. Масалан, Жуба, Хартум университетларида таълим факультетининг декани, Халқаро ислом университетида ислом тафаккури ва цивилизация факультетида декан лавозимларида ишлади. Шунингдек, у таълим ва психология бўйича бир қанча факультетларга асос солди. Масалан, Хартум университетида амалий психология факультетига, Имом Муҳаммад ибн Сауд ислом университетида худди шундай факультетга асос солган эди. 1971 йилда у ар-Риёд университетида психологик клиникага ҳам асос солган. У Африка ва Осиёнинг бир қанча касалхоналарида клиник психолог сифатида фаолият кўрсатди. У психология тўғрисида кўп асарлар ёзди ва улар жаҳоннинг бир қанча тилларига ўтирилган.

2020 йилда олим Суданнинг Ахборот вазирлиги томонидан психология соҳасида кўрсатган хизматлари учун “Йилнинг энг яхши инсони” унвонига сазовор бўлди.

Молик Бадрий ЮНЕСКОнинг эксперти эди. У бир неча марта Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотида анъанавий тиббий амалиёт бўйича қўмита аъзоси сифатида фаолият кўрсатади. Ахфад университетининг клиник психология кафедрасида клиник психология профессори

бўлиб ишлади. У мазкур университетнинг фахрий фан докторлигига сайланади. Шунингдек, у Малайзия халқаро ислом университетининг ислом ва ижтимоий фанлар факультетида ҳам ишлади [7].

Олим 2017 йилда ислом психологияси халқаро ассоциацияси (IAIP)га асос солди. Шу йилдан бошлаб у Сабоҳиддин Займ номли Истамбул университетида психология профессори бўлиб ишлай бошлади. Молик Бадрий 2021 йил 8 февралда 89 ёшга киришига 8 кун қолганида Малайзияда оламдан ўтди.

Молик Бадрий ҳаёти давомида ўнлаб китоблар ёзди ва улар дунёнинг кўп мамлакатларида чоп этилди. Уларга, масалан, “Фикрлаш. Инсон психикаси ва руҳини тадқиқ қилиш” (2008), “ОИТС таназзули (2014)” ва ҳ.к.лар киради. Шуларнинг ичида “Ислом психологияси назарияси ва амалиёти” тўплами алоҳида эътиборга молик. Бу тўплам ўзида иккита асарни, яъни “Мусулмон психологларининг икки йўли” ва “Мусулмон миждозлар учун кибер маслаҳат” асарларини мужассамлаштиради. Молик Бадрий ўз асарларида мусулмон миждозлар билан ишлашда психологик билимлардан фойдаланиш йўл-йўриқлари тўғрисида ёзади.

“Мусулмон психологларининг икки йўли” деб аталган асарида Молик Бадрий мусулмон аҳолиси билан олиб бориладиган психологик ишларда қандай психология зарурлиги ҳақида ёзади. У мазкур асарида: “агар психологияда ислом дунёқараш сифатида қабул қилинмас экан, мусулмонларга психология ҳеч қанақа фойда бермайди”, деб ёзади [5.67]. Бу дегани шуки, ҳар қандай психологик ишни ментал кадриятлар призмасидан ўтказган ҳолда мусулмонларга тақдим қилиниши лозим. Акс ҳолда диний қарашларга зид кўриниш сифатида ислом динига эътиқод қилувчи аҳоли орасида эътирозларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўзбек аудиториясига турли-туман диний таълимотлардан илҳомланган йўналишларда иш олиб бораётган марказлар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Психоаналитиклар, психогенетиклар, реинкарнациячилар,

эзотериклар, медитациячилар, карнегичилар ва ҳ.к. лар ўз таъсирларини (тренинглари) турли туман динга тааллуқли ғояларни сингдирган ҳолда олиб бормоқдалар. Ачинарлиси шундаки, уларнинг аксарияти ё махсус диний билимга эга эмас, ёки махсус психологик тажрибага эга эмаслар. Уларнинг орасида иккаласидан ҳам беҳабарлар бор. Шунингдек, улар камдан кам ҳолдагини аудиториянинг ментал хусусиятларини инобатга олмақдалар.

Жумладан, ижтимоий фанлар соҳасида кўр-кўрона кўчириш феномени айниқса кўзга ташланади. Бадрийнинг нуқтаи назари бўйича, Шарқда ишлатилаётган бугунги психологик назариялар ва амалиётлар ғарб цивилизациясининг махсули ҳисобланади [5]. Уларни биздаги ментал кадриятлар нуқтаи назаридан туриб қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлади. “Ўзини севишга”, “Ўзини ўйлашга”, “ҳаммани ўзининг манфаатларига бўйсиндиришга”, “нафси нима деса шуни қилишга” ва ҳ.к. ларга чақирувчи, эгоизмни кучайтирувчи, бизнинг менталитетимизга хос бўлган фидойиликни қораловчи ғарбона ғоялар, “одамлар қандай бўлса, шундайлигича кўр ва мослаш” қабилидаги таълим-тарбиянинг ўрнини пастга урувчи салбий фикрлар бугун маънавиятимизга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ғарб психологлари инсон шахси, мотивацияси ва хулқ-атвори тўғрисидаги назарияларида илгари сурган ғояларнинг бир қисми мамлакатимизнинг миллий ва диний кадриятларига мос келмайди. Оддий бир мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз. “Ҳаммани ўзининг манфаатларига хизмат қилдириш” кайфиятида карнегичилар томонидан тарбияланган киз бола бирор хонадонга келин бўлиб тушганда ўша хонадон кадриятларини қабул қилишга мойил бўлмайди. Натижада низолар келиб чиқади ва бу ҳолат ажралишларни кўпайтиради. Бизнинг момоларимиз келин бўлиб тушганларида оилага ўзини фидо қилиш учун келганлар. Бунинг эвазига эса ушбу оила аъзоларининг ҳурматига эришганлар ва бу ишлари учун ҳеч қандай камситишга учрамаганлар.

1989 йилда Малайзияда (Куала Лумпур) Ислом тафаккури ва цивилизацияси халқаро

институти (ISTAC) асосчиси, профессор Муҳаммад ат-Тас шундай ёзади: “Замонавий (психологияга оид) билим нейтрал эмас, у ғарб кишининг онги ва тажрибасини акс эттирган диний, маданий ва фалсафий ғоялар билан тўйинган”. Молик Бадрий бу фикрни тасдиқлайди ва ғарбдаги қатор психологик назарияларни, жумладан Фрейднинг психоанализини ва бихевиоризмни кескин танқид остига олади. Бу назариялар инсон психологиясини, унинг хулқ-атворини соф материалистик нуқтаи назариядан туриб талқин қилади. Буни Бадрий “жонсиз психология” деб атади. Бадрий психологияга жонни қайтаришни дин психологларининг марказий масалаларидан бири сифатида тушунтиради. Ғарбдаги турли хил психологик назарияларни танқидий баҳолаётган экан, Молик Бадрий таъкидлайдики, бир томондан, мусулмон психологлари ғарб психологиясидан барча фойдали жиҳатларни олмоғи зарур; иккинчи томондан, шахс психологияси, ижтимоий психология ва ҳатто психотерапия соҳаларида психологлар исломда мусулмон олимлари томонидан минглаб йиллар давомида тўпланган билимлардан фойдаланмоғи лозим [5].

Қуйида интернетдан олинган замонавий психологларнинг жаҳлни тия олиш бўйича маслаҳатини кўриб чиқамиз. Эътибор берсангиз, материал ғарб психологияси таъсирида ёзилган. “Жаҳлингизни тия оласизми? Демак, сизда кўркув бор. Ғазаб, жаҳл чиқиши, аччиқланиш буларнинг барчаси инсоннинг ҳимоя механизми ҳисобланади. Қачон инсонда ҳимоя механизми ишга тушади? Қачонки инсон бирор нарсадан кўркаса. Атрофингиздагиларни ғазабда кўрдингизми, билингки, улар нимадандир кўрқаяптилар. Яна ҳам осонроқ тушунтирадиган бўлсак, фақат кўрққан инсонгина бошқа бир инсоннинг ҳатти-ҳаракатларига реакция билдиради. Кўркувдан ҳалос бўлиб, ғазабланмай яшашнинг иложи бор. Бунинг учун инсонлардан улар қила олмайдиган нарсаларни кутманг. Хоҳламаган ишингизни ўзингизни мажбурлаб қилманг ва инсонларни борица қабул қилинг”.

Бу ўринда бир қанча хатоликлар бор. Биринчидан, психологияда ҳар доим ҳам кўркув

ғазабни чақиравермайди. Иккинчидан, “фақат кўрққан инсонгина бошқа бир инсоннинг ҳатти-ҳаракатларига реакция билдиради” деган жумла нотўғри. Келиб чиқадики, кўрқмаган инсон реакция кўрсатмас эканда? Маслаҳатнинг маъзи ҳам анча тушунарсиз. Ғазабнок одамга қуйидаги маслаҳатлар берилаяпти: “Бунинг учун инсонлардан улар қила олмайдиган нарсаларни кутманг. Хоҳламаган ишингизни ўзингизни мажбурлаб қилманг ва инсонларни борица қабул қилинг”. Инсонлардан улар қила олмайдиган нарсаларни кутсакда, улар буни қила олмасалар, жаҳлингиз чиқади демоқчи. Агар ўзингизнинг ғазабингизни ўйласангиз – бу тўғри. Инсонларни ўзлари қила олмайдиган нарсаларга ундаш зарур бўлса – бу нотўғри. Яъни ўзингизни ўйласангиз – тўғри. Бировларни ўйласангиз – нотўғри. Яна ғарбона эгоизм. “Хоҳламаган ишингизни ўзингизни мажбурлаб қилманг” деганда хоҳишнинг қули бўлишга ундаш бор. Айтмоқчики, агар сен хоҳишингнинг айтганини қилсанг, ғазабинг келмайди.

Хоҳиш нималарни хоҳламайди... Бу психоаналитикларнинг ахлоқи. “Инсонларни борица қабул қилинг” маслаҳатда ўзаро муносабатда ўзгаларнинг нуқсонларини тўғрилаб ўтирманг, деган мантиқ бор. Демак, ҳадиси шарифда айтилганидек, “мўмин мўминнинг ойнаси” ёхуд халқ мақолидаги “дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб” маъносида “инсон инсонни яхшиликка чақириб туриши керак”, деган гаплар мантиқсиз дейилмоқда. Бу ўринда маълум маънода таълим-тарбиянинг ролини инкор қилиш бор.

Шарқ одобига кўра ғазабдан тийилишнинг энг самарали усуллари кўрсатилган. Хусусан, Ҳаким Термизийнинг айтишларига қараганда, ғазаб қайсидир даражадаги кибрнинг белгисидир, чунки киши ўзидан пастрок даражадаги инсонга ғазаб қилади, аммо ўзидан юқорироқ даражадаги инсонга одатда ғазаб қилмайди. Кибр эса инсонни ўтга етаклайди, дейди олим [8:30]. Ҳадиси шарифда ҳам ғазабни йўқ қилишнинг конкрет амалиёти кўрсатилган, яъни ғазаб келганда ўтириб олиш, у ҳам бўлмаса, ётиб олиш, у ҳам бўлмаса, таҳорат қилиш, у ҳам бўлмаса, гусл қилиш тавсия қилинади. Ва бу

тавсия аксарият ҳолларда иш беради. Аслида шу эмасми ҳақиқий психологик тренинг.

ХУЛОСА

Молик Бадрий ислом таълимотига асосланган когнитив хулқ-атвор психотерапияси усулини ишлаб чиқади. Бунда худди юқоридаги ҳолатга ўхшаган инсон психологиясида учрайдиган ҳолатларни ислом манбаларидан келиб чиққан ҳолда даволаш таклифи билан чиқади ва ўзи уни амалиётга татбиқ этади. Бугунги кунда бу психотерапевтик усул дунё микёсида кўплаб амалиётчилар томонидан қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси” мамлакатимизда халқимизнинг тиббий руҳий муолажаси билан шуғилланаётган айрим сохта психологлар фаолиятини таҳлил қилиш ва агар халқнинг эътиқодига ҳамда саломатлигига путур етказилаётган бўлса, уларнинг фаолиятини тақиқлаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) // <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (2025). Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси. № ЎРҚ:-1037, 25 февраль 2025 // <https://lex.uz/docs/7404923>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида. № ЎРҚ-699, 06.07.2021 // <https://lex.uz/docs/5491534>
4. Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Иймон. – Тошкент, 2023. “Ҳилол нашр”, 368 бет.
5. Бадри М. Теория и практика исламской психологии / под ред. О.С.Павловой, В.С.Полосина. М.: АНО НПП «Аль Васатыя – умеренность», 2018. – 268 с.
6. Бадрий Малик. Мушоҳада. Исломий психологик ва маънавий тадқиқот. – Бишкек: Халқаро ислом тафаккури институти, 2023. – 198 б.
7. Молик Бадри. Кризис спиды: социокультурный взгляд через призму ислама / Пер. с английского: Руфат Кулиев и Анар Юсуфзаде; корректор и редактор: Мавля Нафиева — Баку: Издательство «CBS», 2011. – 276 с.
8. Ҳаким Термизий. Наводир-усул фи маърифат аҳодиси-р-Расул. – Ж. 1. – Қоҳира: Мактабату-л-Имом ал-Бухорий, 2008. – 1381 б.